



# MILLIY TIKLANISH

48 (161) ● 2011 йил 7 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
www.milliytiklanish.uz ● 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Маданий мерос — қонун ҳимоясида

Давлатимиз раҳбарининг "Юсак маънавият — энгилмас куч" китобида таъкидланганидек, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омил ҳисобланади. Бизнинг халқимиз ҳам ана шундай бебаҳо хазинага эга.

## Ёшлар саройи ишга тушди

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўғил-қизларимизни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларни ўқиб-изланиши, ўз истеъдод ва маҳоратини рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.



## Инсонпарварлик сари бирдамлик

Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари асосан инсонпарварлик фаолиятини амалга ошириб келади. Унинг асосий мақсади инсонлар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, инсон шахсияти, унинг кадр-қимматини таъминлашга қаратилган. Ушбу ҳаракат дунё мамлакатларидаги 190 га яқин Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларини бирлаштирган.

## 4 ИЖТМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## 5 МАЪНАВИЯТ

## 6 ЖАРАЁН

### ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## Фракция аъзолари

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2011 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, фракция аъзолари, ҳуқуқшунос ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда фракция аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисида"ги масалани муҳокама қилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан жорий йил 21 январда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган 2011

йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари доирасида тизимли ва мақсадли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши

натijasида жорий йилнинг тўққиз ойида иқтисодиётнинг изчил ўсиши таъминланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Ё.Турсунов ҳисоботи тингланди. Нотиқ ўз сўзида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ялли ички маҳсулот ҳажми 8,2, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, чакана савдо товар айланмаси 16,2 ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 14,2 фоизга ўсганлигини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

2-бет

### ТАДБИР

## Ўзлигимизни намоён этган Конституциямиз

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛ

Конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу боис, юртимизда Асосий қонунимиз ва республика қонунарида мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ, эркинлик, бурч ва мажбуриятларни тушунтириш, тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари узлуксиз давом эттирилмоқда. Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишига асосан бугунги кунда Бош Қомусимиз мактабача таълим муассасаларидан тортиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртиларида ўқитилаяпти.

3-бет

### ХАБАРЛАР

#### Маънавиятга эътибор — келажакка эътибор

Ўзбекистон Давлат тарихи музейида Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган олимлар, музейшунослар, музей раҳбарлари ва ходимлари Бош қомусимизнинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни, қонуний ҳужжатларнинг мамлакатимиз ривождаги аҳамияти, шунингдек тарихий ва маданий экспонатларни ўзида жамлаган музейлар фаолиятига оид қарорлар ҳамда уларнинг ижроси билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди.

#### Опера хонандалари танлови

Пойтахтимизда Назира Аҳмедова номидаги IV Республика опера хонандалари танлови бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган танловда Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларидан жами 31 нафар ёш опера хонандалари қатнашди. Таниқли санъат арбоблари ва халқ артистларидан таркиб топан нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг чиқишини одилона баҳолаб боришди. Танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

#### Заргарлик харитаси

Ўзбекистон қарлар жамиятига қарашли 1-сон қарлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси қошида ўқув маркази иш бошлади.

Марказда имконияти чекланган фуқаролар ва уларнинг фарзандларига миллий хунармандчилик, чеварлик, ошпазлик санъати сирлари, шунингдек, хорижий тиллар бепул ўргатилмоқда. Яқинда марказда хунарманд-заргар Шерзод Маҳамов томонидан тузилган "Заргарлик харитаси" услубий қўлланмасининг тақдироти бўлиб ўтди. Китобнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бўлажак хунармандлар уни нафақат ўқиш, балки ундаги нафис чизмаларга қараб, халқимизнинг қадимий заргарлик санъати сирларини ўрганишлари мумкин.

### 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



## Аҳиллик ва ҳамжиҳатлик кафолати

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари тинч-тотув яшаши, меҳнат қилишига оид қонуний кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган.

Республика Байналмилал маданият маркази томонидан Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 19 йиллиги муносабати билан ўтказилган фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон хори-

жий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда миллий маданият марказлари, жамоат, диний ва халқаро ташкилотлар, хорижий элчионалар вакиллари, профессор-ўқитувчилар, олимлар, ҳуқуқшунослар иштирок этди.

2-бет

### ДАВРА СУҲБАТИ

## Бош Қомусимиз — инсон ҳуқуқлари кафолати

ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг кафолатидир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партиянинг Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎЗМТДП ҳудудий ташкилотларининг "Ёшлар қаноти" етакчилари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир ўсиб келаётган ёш авлодни Конституцияга ҳурмат, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, Бош Қомусимизни чуқур ва ҳар томонлама пухта ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш орқали ҳаётимизнинг амалий қўлланмасига айлантиришга кўмаклашиш ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" томонидан

3-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## Аҳиллик ва ҳамжиҳатлик кафолати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдуҳалимов, фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти директорининг ўринбосари А.Қосимов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вази-фасини бажарувчи О.Юсуфов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммадҷонова ва бошқалар Пре-

зидентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ватанимизни янада раванқ топтиришда юртимиздаги миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкам асос бўлаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакилларининг ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшashi, таълим олиши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунара эгаллаши, меҳнат қилиши, саноатлигини мустаҳкамлашига оид ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда ўқувчиларга етти тилда таълим берилмоқда, оммавий ахборот воситалари ўндан ортиқ тилларида эълон қилинмоқда. Турли миллат вакилларининг аънава ва урф-одатлари, қадриятларини асраб-авайлаш, янада

ривожлантириш, мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ этишда Республика Байналмилал маданият марказининг алоҳиди ўрни бор. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллигини муносабати билан мазкур марказ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги таълим масканлари, маҳаллалар ва корхоналарда «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Шу азиз Ватан барчамизники!», «Бу муқаддас заминда азиздир инсон!» каби мавзуларда маърифий анжуманлар, дўстлик фестиваллари, фото ва бадий кўргазмалар, концертлар, учрашувлар ўтказилмоқда. — Ўзбекистон барчамизнинг ягона ва жонажон Ватанимиздир, — дейди мамлакатимиздаги Беларусь миллий маданият маркази раҳбарининг ўринбосари Нина Шубникова. — Шу заминда камол топдим, касб-хунарни,

оилани бўлдим. Фарзандларимиз тўхис билим олиб воғга етмоқда. Ўз урф-одат ва аънаваларимизни сақлаб қолиш, уларни янада ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган асосий қоида ва тамойилларнинг ҳаётда ўз ифодасини топаётганини кундалик ҳаётимиз, фаолиятимизда кўриб, ҳис этиб яшаймиз. — Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан турли миллат ва дин вакилларининг миллий аънава ва қадриятларини ривожлантириш йўлида улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — дейди Немис евангелъ-лютеран черкови епископи Корней Вибе. — Динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга доир асосий қоида ва тамойиллар давлатимизнинг Бош қомусида мустаҳкамлаб қўйилган. Жонажон Ватанимиз — Ўзбекистондаги миллатлараро бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховат муҳитига бошқалар ҳавас қилса арзийди. Анжуманда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти, кўпмиллатлилик ва миллий сиёсат модели: тарих, бугун ва истиқбол, миллатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## Фракция аъзолари

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2011 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Иқтисодий тармоқлари ва экспорт салоҳиятини ошириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида товар ва хизматлар экспорти 21,4 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Хисобот даврида Давлат бюджетни даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни, харажатлари 22,9 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан ижро этилди ва инфляция даражаси белгиланган кўрсаткичлардан ошмади. Шунини алоҳида эътироф этиш жоизки, фракция аъзолари давлат бюджетининг ҳисобот давридаги ижросига

ЎЗМТДП сайловди Платформаси ва дастурий мақсад-вазифалари юзасидан ёндашдилар. Жумладан, давлат бюджетининг харажат қисмида ижтимоий масалалар, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда кўллаб-қувватлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, стипендия, барча турдаги нафақаларни ўз вақтида молиялаштиришга, шу билан бир қаторда, бюджет маблағларини молиялаштиришда газна ижроси Назоратиний қўлайтириш сингари масалалар депутатлар диққат марказида бўлди. Мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни кўллаб-қувватлаб келаётган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси вакиллари давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш мақсадларига ажратилган маблағлар

сарфланишининг самарасига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, таълим соҳасини янада тараққий эттириш учун биринчи навбатда, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув масканларини бунёд этиш ва уларни илгор, замонавий воситалар билан жиҳозлашга, аҳоли, айниқса, ёшларга янги иш ўринлари яратиш, уларнинг бандлик масаласини таъминлашга алоҳида аҳамият бердилар. Тадбирда сўз олган депутатлар давлат бюджетни ижроси билан боғлиқ қатор масалаларда партиянинг позициясини баён этиб, амалий тақлифларини билдирдилар. Бўлиб ўтган қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг Давлат бюджетининг 2011 йил тўққиз ойидаги ижроси маъқулланди ва фракциянинг бу борадаги тегишли қарори қабул қилинди. Эргаш ХЎЖАЕВ, «Milly tikanish» мухбири

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий мусиқа санъатини изчил ривожлантириш, бу соҳадаги бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар ёшлар маънавияти, тафаккури ва эстетик дидини юксалтириш, бадий таълимни такомиллаштиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

● ҚАРОР ВА ИЖРО

## Таълим сифати ва самарадорлиги ошмоқда

Марказ вилоятидаги бешта болалар мусиқа ва санъат мактабида қурилиш, капитал реконструкция ишлари бажарилган бўлса, 2011 йилда тўрт мактаб учун янги бино қурилиб, иккитаси капитал реконструкция қилинди. Замонавий янги бинога эга бўлган Самарқанд шаҳридаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам ўқувчиларнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг сир-асрорини пухта ўрганиши учун барча зарур шарт-шароит яратилди. — Мактабимиз янги биноси қурилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган, ўқитиш сифати ҳам, самарадорлиги ҳам ошди, — дейди мактаб директори Аслиддин Сирожев. — Ўқувчилар ва ота-оналарда санъатга қизиқиш ортди. Айни пайтда 140 нафар ўғил-қиз маҳсулотларда қатнашмоқда. Илгари тўрт йўналиш бўйича ўқувчиларга сабоқ берган бўлсак, жорий ўқув йилидан бошлаб хореография, тасвирий санъат бўйича ҳам дарслар йўлга қўйилди. Жиҳозлар тўла келтириб ўрнатилиши билан яна бир янги йўналиш — амалий санъат турлари бўйича тўғарақлар очиб мўлжалланмоқда. Мактабда ҳар бир ўқувчи

билан индивидуал шуғулланиш имконияти яратилган. Шунингдек, йўналишлар бўйича маҳсул машғулот хоналари, 220 ўринли катта ва 80 ўринли кичик концерт зали мавжуд. Бундай эътибор ва имкониятлар ўз самарасини бериб, мактаб ўқувчилари вилоят ва мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Вилоятдаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник базаси мустаҳкамлашни туфайли санъатнинг барча йўналишлари ривожланмоқда. Маълумотларга кўра, бундан икки-уч йил олдин вилоят бўйича мазкур муассасаларга икки минг нафардан ортиқ бола қатнаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 4,3 минг нафарни ташкил этмоқда. — Айни пайтда вилоятда фаолият кўрсатаётган 34 болалар мусиқа ва санъат мактабининг 26 таси юқорида зикр этилган дастурга киритилган бўлиб, шу пайтгача 11 мактабда қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Шермамет Маҳманазаров. — Натижада уларнинг фаолияти такомиллашиб, қўшимча тўғарақлар ташкил этилди, ўқувчи-

лар қамраб олиш даражаси ошди. Жумладан, мактабларда хореография, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари очилиб, ҳозир минг нафарга яқин ўғил-қизлар машғулотларда иштирок этмоқда. Ўқувчилар турли кўрик-танлов ва санъат фестивалларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Хусусан, 2011 йилда Мухиддин Қорӣқубов номидаги республика кўрик-танловида вилоятимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг йигирма нафари совринли ўринларни қўлга киритди. «Санъат гўнчалари» танловининг мамлакат босқичида Булунгур туманидаги 9-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Умид Ўрозов иккинчи ўринга сазовор бўлди. Яна бир вақилимиз эса диплом билан тақдирланди. Самарқанд туманидаги 44-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Аминжон Набиев «Яғонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг якуний босқичида иккинчи ўринга муносиб деб топилди. 2012 йилда вилоятда Давлат дастури асосида олти мусиқа ва санъат мактабида қурилиш ва капитал реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

● СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

## Соғлом ҳаётга қайтиш саодати

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилаётган «Соғлом она - соғлом бола» мақсади дастурини ҳаётга татбиқ этишда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳам фаол иштирок этаётир.

Мазкур жамғара томонида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирилик, хориждаги нуфузли ташкилотлар ва етакчи клиникалар ҳамкорлигида кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг туғма ва орттирилган касалликлар билан хасталанган фарзандларини соғломлаштиришга кўмаклашиш, ногирон болаларни кўллаб-қувватлаш, аёллар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, аниқланган хасталиклар-

ни даволаш борасида амалга оширилаётган қатор лойиҳалар бунга мисолдир. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва «Save the Children - Korea» хайрия ташкилоти ҳамкорлигида Тошкент педиатрия тиббиёт институти шифохонасининг операция хоналарини жиҳозлаш мақсадида қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармон келтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар-

нинг туғма юрак нуқсонли фарзандларини соғломлаштириш, бу операцияларда ишлатиладиган замонавий тиббий воситаларни етказиб бериш режалаштирилган. Айни кунларда ушбу ҳамкорлик лойиҳаси доирасида Тошкент педиатрия тиббиёт институти шифохонасида туғма юрак нуқсонли болаларни соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Мазкур хайрия тадбири доирасида ўттиз уч нафар бемор болани юксак тиббий технологиялар воситасида даволаш кўзда тутилган. Бугунги кунгача уларнинг ўн нафардан зиёди шифо топди. Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида яшовчи Беҳзоджон Чоршанбиев — улардан бири. — Кишлоқ врачлик пункти-

мизда тиббий кўриқдан ўтаётганимизда ўғлим Беҳзодда туғма юрак нуқсонли борлиги аниқланди, — дейди Ойгул Холёрова. — Шифокорлар фарзандимни диспансер назоратига олиб, аҳолини доимий кузатиб турди, зарур ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатишди. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими мутахассислари ҳамкорлигида фарзандим босқичма-босқич операцияга тайёрланган, бир ҳафта аввал Тошкент педиатрия тиббиёт институтига йўланма беришди. Ўғлим операция қилинганига уч кун бўлди. Кун сайин аҳоли яхшиланиб бораётди. Фарзандим соғлом ҳаётга қайтаётгани, яратиб берилган шарт-шароитлар учун беҳад миннатдорман. (ЎЗА)

● МУЛК

Мулк масаласи қадим замонлардан буйи инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга, қизгин тортишувларга сабаб бўлиб келаётган жараён. Ушбу муносабатларни тартибга солиш, муаммоларни ҳал этиш учун эса бир қанча қонун ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар ҳар қандай тушунмовчиликларнинг олдини олишда асос бўлиб хизмат қилади.

Мулк кишининг ашёга нисбатан эгалик ҳис-туйғуси, шунингдек, ушбу ашё юзасидан кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатдир. Шу маънода, жамиятнинг иқтисодий негизи мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эгадир. Зеро, ҳар қандай шахс ашёларни ўзиники қилиб олгандагина улардан эркин фойдаланиши мумкин. Ўзганинг мулкни ижарага олувчи ёки мулкдорга ёлланиб ишловчи шахс бу маънода мустақил бўлмайди. Мулкчилик, айни пайтда, масъулият ва манфаатнинг узвий бирлиги ҳамдир. Мулкдорлик шахсининг мулк ҳуқуқини юзага чиқаради. Мулк ҳуқуқи эса, ўз навбатида, объектив ва субъектив мулк ҳуқуқи маъноларида тушунилади. Объектив мулк ҳуқуқи деганда, ашёларни ўзлаштиришнинг усул-

● ХУҚУҚ

Мулк МУСТАҲКАМ МУҲОФАЗАДА «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасидан

ларини белгилувчи, тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи ҳуқуқ нормалари назарда тутилади. Мулк ҳуқуқи тўғрисидаги умумий қоидалар объектив ҳуқуқ нормалари ҳисобланади. Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқи деганда, ҳуқуқ субъектларининг (давлат, ташкилотлар ва фуқароларнинг) объектив ҳуқуқ меъёри асосида мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқлари тушунилади. Амалдаги қонунчиликка кўра, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, фойдаланади ва тасарруф этади. Дарҳақиқат, табиат томонидан инъом этилган ва кишилар меҳнати билан яратилган бойликлар мулк ҳисобланади. Фақат улар мазмун-моҳиятига қараб шакллarga бўлинади. Хусусан, ҳуқуқий тартиб қоидаларга кўра, мулкнинг муносабатларимиз асосида умумий мулк тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, бу субъектив мулк ҳуқуқи маъноларида тушунилади. Объектив мулк ҳуқуқи деганда, ашёларни ўзлаштиришнинг усул-

ёки ундан ортиқ шахсининг эгаллигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидagi улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин. Умумий мулк бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, тақсимланадиган мол-мулкнинг умумий биргаликдаги мулклиги қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда вуқудга келади. Биргаликдаги мулк иштирокчиларининг келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг қарорига мувофиқ шахсларнинг улушли мулк қилиб белгилаб қўйилиши мумкин. Мухтасар айтганда, мамлакатимиздаги ҳар қандай мулк қонун билан тўлиқ ҳимояланади. Янко ЛАДА, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 8-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ТАДБИР

## Ўзлгимизни намоён этган Конституциямиз

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унга оид кўплаб дарслик, рисола ҳамда махсус ўқув қўлланмалари нашр этилган. Бунинг натижасида мамлакатимизда Конституцияни ўрганишнинг узлуksиз тизими яратилди. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам дастурий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда турли ўқув-семинар, давра суҳбати, тадбир ва кўрик-танловлар ташкил этиб келмоқда.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Олмазор туман Кенгаши ва Тошкент Давлат техника университети ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишлаб "Ҳуқуқий давлат қуришда Конституциянинг аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Олмазор туман Кенгаши Ижроия қўмитаси давони ходимлари, "Ёшлар қаноти" фаоллари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир ўсиб келаётган ёш авлодни Конституцияга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, халқига садоқат руҳида тарбиялаш, жамият ҳаётининг мезони бўлган Бош қомусимизни чуқур ва ҳар томонлама пухта ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини, амалий жараёнларнинг доимий қўлланмасига айлантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Конституция — бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзи, ғурур-ифтихори, шу заминда истиқомат қилаётган фуқароларнинг миллати, дини, тилидан қатъий

назар, барча учун мустақам химоя. У нафақат бугунги куннинг қомуси, балки эртанги кунимиз, барпо этилаётган фуқаролик жамиятимиз истиқболлини ёритувчи ҳужжатдир, дейди ЎзМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси ў. Ҳайитов. — Бош Қомусимиз биз амалга ошираётган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Тадбирда иштирокчилар эътиборига ҳавола этилган "Ҳуқуқий давлат қуришда Конституциянинг аҳамияти", "Конституция — истиқлолнинг мангу маъғи", "Ёшлар ҳуқуқий онгини шакллантиришда Конституциянинг ўрни ва роли" ва "Конституция — фахримиз, ғуруримиз" каби мавзулардаги маърузалар катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда Асосий қонунимиз кўп асрлик қадрият, аънава ва жаҳон тажрибасининг энг илғор жиҳатлари, мақбул принципларини ўзида мужассамлаштирганлиги ҳамда амалда тўла намоён этаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

**Мансур ЮНУСОВ, ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:** — Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда Конституциянинг ўрни, роли ва аҳамияти беқубеъдир. Бугун фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг Бош қомусимизни тўла-тўқис англашга интилаётгани, қалбдан ҳис қилаётгани уларнинг юзқўздан сезиш қийин эмас. Қолаверса, ёш авлоднинг саъй-ҳаракатларини уларнинг нуфузли халқаро фан олимпиадаларда эришаётган қатор ютуқлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу каби жараёнларда ЎзМТДП

ҳам муносиб иштирок этишга интиломоқда. Жумладан, партия ташкилотлари қошида "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби ташкил этилган. Уларда ёшлар аҳоли орасида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўз қарашлари ҳамда ЎзМТДП сайловолди Платформаси ва дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни тарғиб-ташвиқ этишда фаол қатнашмоқдалар. Партия туман Кенгаши қошида тузилган "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзоларининг аксариятини мазкур олийгоҳ талабалари ташкил этади. Шунингдек, бу ерда "Ёш техниклар" бошланғич партия ташкилоти фаолият юритаяпти. Бу тадбир ёшларни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундаши, шубҳасиз.

**Миролим РАҲМАТОВ, ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси "Ёшлар қаноти" етакчиси:** — Ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар ўрганиши ватанга муҳаббат, халқига садоқатли фарзанд руҳида тарбиялаш, ота-бола ўртасидаги муносабатлар Конституциямизда мустақамлаб кўйилган. Қолаверса, миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимизни ўзида мужассамлаштирган Асосий қонунимиз биз ёшларга манфаатларимизни рўёбга чиқаришда чексиз имкониятлар яратади. Мазкур тадбир тенгқурларимизни Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва жамиятда тутган ўрни, энг муҳими, бурч ва масъулият ҳақидаги тушунчаларини янада бойитгани ва кенгайтиригани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Эргаш ХҲЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

8 декабрь — Конституция қабул қилинган кунга бағишлаб эълон қилинган мақолалар танлови голибларини тақдирлаш мақсадида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларни тиклаш, демократик жамият барпо этиш йўлида шахс эркинлигини таъминлаш, жамият ва давлат манфаатларининг муштараклигига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, уларнинг таълим олиши, ўз иходий имкониятларини юзага чиқаришлари учун мустақам ҳуқуқий асос яратилди. Хусусан, муҳтарам Юртбошимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур ҳужжат аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларда ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришда дастуриламал



## Бош Қомусимиз — инсон ҳуқуқлари кафолати



тон Республикаси Конституцияси миллий истиқлол мафқурасининг гоёлари сингдирилган бизнинг миллий манфаатларимиз инъикоси десак, муболага бўлмайди.

Тадбирда "Конституция — қонунчилик ва қонун устуворлиги принципнинг асоси" мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Олимжон Қоляров мустақилликдан сўнг ўтган даврда мамлакатимизда конституциявий тузумни мустақамлаш, қонунчилик ва қонун устуворлигини таъминлаш принциплари амал қилиш борасидаги ислохотларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Давра суҳбати сўнггида иштирокчи ёшлар фикрлари билан қизиқдик:

ва манфаатларини ифодаси сифатида демократик қадрият, аънава ва ижтимоий адолатни қарор топишда, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши ҳамда миллий тотувлиқни таъминловчи муҳим омил саналади. Шу нуқтаи назардан Бош қомусимизда мустақамлаб кўйилган кафолатлар, қонун ва ифода этилган нормаларни кундалик ҳаётимизда қарор топтириш ҳар биримиздан ҳуқуқий тузумни мустақамлаш, қонунчилик ва қонун устуворлигини таъминлаш принциплари амал қилиш борасидаги ислохотларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Давра суҳбати сўнггида иштирокчи ёшлар фикрлари билан қизиқдик:

**Малоҳат АБДАНОВА, кўрик-танлов голибаси, Самарқанд вилояти:**

— Ушбу давра суҳбати Конституция ҳақидаги билимларимизни янада оширишга хизмат қилди, десак муболага бўлмайди. Шу ўринда айтиб ўтишни ўринлики, мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ёшларнинг фаолигини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. Мазкур кўрик-танлов ҳам партия сафидаги ёш иқтидор эгаларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни пухта билсак, уларни ҳаётимизда қоидаларга айлантира оلسак, ҳуқуқий демократик давлатимизга муносиб фарзандлар бўлиб воёга етамиз.

**Сабила ТУРДИЕВА, учинчи ўрин соҳибаси, Навоий вилояти:**

— Миллий тараққиёт йўлимизни белгиловчи қомус саналмиш Конституциямиз умуминсоний принципларга асослангани билан давлат ва жамият ҳаётида фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаолигини оширувчи муҳим омил ҳисобланади. Бу борада ЎзМТДП ҳам мамлакатимиз миллий манфаатларини химоя қилиши, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва аънаваларини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда бойитиши, ушбу гоё асосида фуқароларни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишга кўмаклашишни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билади. Қолаверса, партия томонидан ташкил этилган мазкур тадбир биз ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол бўлишга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

**Орифжон ЖҲРАЕВ, иккинчи ўрин соҳибаси, ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:**

— Конституция инсон ҳуқуқи

## Юрт тараққиёти ва фаровонлигига дахлдорлик

● ФАОЛИЯТ

**Мамлакатимизда ўтган йигирма йил давомида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Барча жабҳаларда кечаётган ишлар ислохотларнинг туб замирида халқ манфаатлари мужассамлиги айна ҳақиқат. Юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан яшаш биз депутатларнинг зиммамизга янада кўпроқ масъулият юкламоқда.**

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни, айниқса, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш ва шу йўл билан ишсизликни бартараф этиш фаолиятимизнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалаларига ҳам катта аҳамият қаратилганини, соҳа ходимларини эркин фаолият юритишлари учун бир қатор ҳуқуқий асосларни мустақамлаш юзасидан ташаббус ва тақлифлар илгари сурилганини келгусидаги фаолиятимизда муҳим дастуриламал

бўлиши шубҳасиз.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши ҳузуридаги бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раисининг ўринбосари сифатида аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бериш, истеъмолчиларнинг талаб ва истакларини тўлақонли баҳарлишга кўмаклашишга ҳаракат қилмоқдамиз. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойлигида шаҳар бўйича кичик бизнес субъектларига йўналтирилган кредит қўйилмавузасида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалаларига ҳам катта аҳамият қаратилганини, соҳа ходимларини эркин фаолият юритишлари учун бир қатор ҳуқуқий асосларни мустақамлаш юзасидан ташаббус ва тақлифлар илгари сурилганини келгусидаги фаолиятимизда муҳим дастуриламал

миллион сўмдан ортқ маблаг билан таъминланди.

Кенгашга 2011 йил давомида маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиши ва ҳаражатларининг ўз вақтида мақсадли амалга оширилиши юзасидан доимий равишда депутатлик сўрови натижалари тақдим этилмоқда. Худудда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан тушадиган нақд пулларни тижорат банкларига топширилиши масалалари ҳам доимий диққат эътиборимизда.

"Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш" дастурига мувофиқ "Меъмор" МФИда жойлашган корхона, тадбиркорлик субъектлари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу боис маҳалла ёшларининг ишга жойлаштириш масалаларининг умумий ҳажми 62,8 миллиард сўмни ташкил этиб, банк кредитлари ажратиши эвазига 1210 та иш ўрни яратилди. Шулардан 18 таси озиқ-овқат ишлаб чиқариш шаҳобчалари, 20 таси ноозик овқат, 63 та хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилди. Бу ишлар замирида эса давлат бюджети яна 207

лари яратиш бўйича тегишли тавсиялар, амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Худуддаги мавжуд ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар, иқтисодий масалаларни сайловчилар билан ўтказган учрашуларимиз жараёнида чуқурроқ ўрганиб, партия натижалари тақдим этилмоқда. Худудда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан тушадиган нақд пулларни тижорат банкларига топширилиши масалалари ҳам доимий диққат эътиборимизда.

Инқирозга қарши чоралар Давлат дастури ижросини таъминлаш ва шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш мақсадида ўзим раҳбарлик қилаётган "Baht-textile" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Корхона тўғрисида тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги Навоий вилоятида илк ташкил этилган энгил саноат худудий экспорт корхонаси ҳисобланади. Асосий иш йўналишини 2007 йилда бошлаган корхона йилига 8400 тонна похта таласини қайта ишлаб, ундан калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Амалда фойдаланиётган замонавий технологик жиҳозлар Герма-

ния, Швейцария, Италия, Туркия давлатларида ишлаб чиқарилган.

Корхона уч хил усулда трикотаж ва газлама матолар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган 12 турдаги калава ипларини ишлаб чиқариш имкониятига эга. Таъкидлаш жоизки, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2010 йил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қиёсий нархларда 2009 йилга нисбатан 121,5 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиги, яъни 12003,2 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилиб, 2009 йилга нисбатан 277 фоизга уудаланди.

Ишлаб чиқилган истиқболли режалар асосида жорий йилнинг 10 ойлигида 11376,2 минг маҳсулот ишлаб чиқарилиб, амалдаги нархларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,4 фоиз ўсишга эришилди. Маҳсулотнинг 7614,2 минг АҚШ долларлик экспортга йўналтирилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичлари уудаланди. Корхона маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда ўзининг ишончли ўрнини эгалламоқда.

Жаҳон стандартларига

ЭЗГУ МУДДАОМИЗ



тўлиқ жавоб бера оладиган маҳсулотнинг асосий харидорлари Россия, Хитой, Туркия каби давлатларнинг йирик ишлаб чиқарувчи компаниялари ҳисобланади. 2007 йилда ишчи-хизматчиларнинг сони 90 нафарни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 530 та янги иш ўрни яратилди. Қувонарлиси, жабҳада меҳнат қилаётганларнинг 88-90 фоизи касб-хунар коллежини битирган ёш йигит-қизлардан иборат.

Таъкидлаш жоизки, Навоий шаҳрида аҳолининг кам таъминланган ва эҳтиёманд қат-

ламини ижтимоий химоялашда кўшма корхона ўзига хос улуш қўшмоқда. Жорий йил давомида "Меъмор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган ва беморлар ҳолидан хабар олинди. Мухтасар қилиб айтганда, Юрт тараққиёти ва фаровонлигига ҳисса қўшиш асосий мууддаомиздир.

**Кобил ТУРСУНОВ, Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати**

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
  - а) аёллар;
  - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
  - в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
  - г) чет давлат фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўққиз йиллик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
4. Озодликдан маҳрум қилиш

жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кам бўлган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:
 

- а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавfli рецидивист деб топилган; жиноий ўшма таркибда жиноят содир этган;

#### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 5 декабрь.

жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-4, 6 ва 7-бандларининг амал қилиши — таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибда тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4-6-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли кўмити ва комиссиялари ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очик-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**И.СОБИРОВ**

*Истиқлол йилларида мамлакатимиз мудофаа тизimini мустахкамлаш, хавфсизлигимизни таъминлашга қодир бўлган қудратли, профессионал армияни шакллантириш борасида катта муваффақиятларга эришилди.*

#### ● ҲАМКОРЛИК



## Навбатдаги ўқув-семинар

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, мамлакатимиз Куролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган янги тизим яратилди. Ўзбекистон замонавий, илҳам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда уюштирилган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг миллий

хавфсизлигимизни таъминлашдаги роли ва ўрни мавзусидаги ўқув-семинарда ана шулар ҳақида гап борди.

Миллий армиямизни янада такомиллаштириш мақсадида давлатимиз томонидан амалга оширилётган ислохотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ва тахлилий тарзда

жамоатчиликка етказиб бериш учун журналистларимиздан соҳада бўлаётган ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиш талаб этилади. Фонд томонидан ташкил этилган мазкур ўқув-семинар журналистларга Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида амалга оширилётган улкан ислохот-

лар тўғрисидаги маълумотлар билан батафсил танишишлари ҳамда соҳа вакиллари билан бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашларига имкон яратади.

**Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

*Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 49-модда).*

## Маданий мерос — қонун ҳимоясида

*Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўзлигимизни англаш, халқимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга безавол етказиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, буюк алломаларимиз қолдирган бетакрор илмий меросни чуқур ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилиш борасидаги ишлар кўлами кенгайиб бораётур.*

Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида таъкидланганидек, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавияти унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омил ҳисобланади. Бизнинг халқимиз ҳам ана шундай бебаҳо хазинага эга.

Бой маънавий меросимизни қайта тиклаш, маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш борасида Фарғона вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимизда халқимизнинг ўтмиши ва қадимий маданиятини акс эттирувчи тарихий обидаларга — археологик ёдгорликлар сони 113 тадан иборат бўлиб, улар орасида 179 меъморий ёдгорлик, 43 монументал ёдгорлик алоҳида ўрин тутади, - дейди "Олтин мерос" жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси Исмоилжон Тўхтабоев. — Шунингдек, муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ маданий мерос объектилари ҳам бор. Мустақилликка қадар бундай зиёратгоҳлар қаровсиз ҳолатда бўлиб, неча ўн йиллар давомида таъмирланмай келинди. Яқин ўтмишимизда, мустақил шўролар тузуми даврида бу жойларга бориш,

азиз-авлиёларнинг номларини ёдга олиш таъқиланган, қадамжоларга "хурофот уиси" деган мафқуравий тамга босилиб, ташландик унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омил ҳисобланади. Бизнинг халқимиз ҳам ана шундай бебаҳо хазинага эга.

Истиқлол шарофати, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан тарихимизга, маданий

бати билан 20 гектарга яқин майдонни эгаллаган қадимий Кубо шаҳристонидан улкан ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. ЎзФА Археология институти ходимлари томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қадимий Кубо шаҳристонининг ўрта асрлардаги жанубий дарвозаси аниқланди. Айниқса, қазилмалар даврида топилган осори-атиқалар, хусусан, қадимги ёзув туширилган сопол парчалари, нодир ҳунармандлик намуналари — темир, мис ва бронза буюмлар, сирли сополлар бир неча асрлар давомида Кубо шаҳристонининг Буюк ипак йўлидаги муҳим стратегик шаҳар бўлганидан далолат

**1998 йилда буюк аллома Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан 20 гектарга яқин майдонни эгаллаган қадимий Кубо шаҳристонидан улкан ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. ЎзФА Археология институти ходимлари томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қадимий Кубо шаҳристонининг ўрта асрлардаги жанубий дарвозаси аниқланди. Айниқса, қазилмалар даврида топилган осори-атиқалар, хусусан, қадимги ёзув туширилган сопол парчалари, нодир ҳунармандлик намуналари — темир, мис ва бронза буюмлар, сирли сополлар бир неча асрлар давомида Кубо шаҳристонининг Буюк ипак йўлидаги муҳим стратегик шаҳар бўлганидан далолат беради.**

меросимизнинг нодир намуналари бўлган бундай тарихий обидаларга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Ўтган 20 йил давомида вилоятдаги қатор археологик ёдгорликларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида уларни сақлаш, таъмирлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Юздан ортиқ зиёратгоҳ қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди. 1998 йилда буюк аллома Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муноса-

беради. 1999 йили Риштон туманидаги Бурхониддин Марғиной номи билан боғлиқ Соҳибӣ ҳидоя зиёратгоҳи буюк фикшунос олимнинг муборак таваллуд санаси муносабати билан миллий меъморчилик анъаналари асосида қайта тикланди. Бурхониддин Марғиной номи билан боғлиқ Марғиной шаҳридаги Пури Сиддиқ мажмуаси тубдан таъмирланди. Марғиной шаҳрининг 2000 йиллик тўйи арафасида

миллий меъморчиликнинг нодир намуналаридан бири бўлган Саид Аҳмадхўжа мадрасаси ва мумтоз адабиётимизнинг ёрқин намунаси — шоира Жаҳон отин Увайсий зиёратгоҳи ҳамда Улуғ мазор зиёратгоҳи таъмирланди. Қўқон шаҳридаги XIX асрда барпо этилган Худоберхон ўрдаси, Жомеъ масжиди биноси, Миён ҳазрат, Норбўтабий, Камол қози, Дастурхончи сингари мадрасалар ва Даҳмаи Шоҳон ва Модариҳон ёдгорликлари обод масканларга айлантилди.

— Бош Комусимизда халқимизнинг бундай нодир маданий мерослари давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган, - дейди Маънавият тарғибот марказининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари Файзулла Зоҳидов. — Уларни асраб-авайлаш, авлоддан авлодга етказиш ҳам муҳим ишлардан биридир. Бугунги кунда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган хайрли ишлар натижасида муқаддас зиёратгоҳлар, мажмуалар бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Хорижликларнинг бундай обод масканларимизга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА мухбири

#### ● ЖАРАЁН

## Фуқаролар манфаати

УНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТДАН ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

*Мамлакатимизда барча жабҳаларда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимояси устувор аҳамият касб этмоқда. Ана шундай амалий ишлар натижаси ўлароқ фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларни тўлиқ таъминламоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, фаровонлиги ва Ватанимиз равақли йўлида эркин меҳнат қилишга замин яратди.*

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш барча ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, адлия идораларининг ҳам асосий вазифаси саналади. 2011 йилнинг 9 ойи давомида вилоят адлия бошқармаси томонидан жами 126 та мурожаат кўриб чиқилди. Ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш сўраб фуқаролардан келиб тушган 117 мурожаатдан 98 таси кўриб чиқилди, 51 таси қаноатлантирилди. Бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилот ва муассасаларга 43 та тақдимнома, 19 та даъво аризаси киритилди. Жумладан, фуқаро М.Набиҳонованинг 2011 йил 4 январь куни "Тошкентгазтаъминот" УКнинг Оҳангарон туман филиали ва Оҳангарон шаҳар "Сувоқова" ИЧШК раҳбарлари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган шикоятини ўрганиб чиқиш натижасида, мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари бузилганлиги аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилди ҳамда кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича судларга юборилди. Суднинг 2011 йил 28 январьдаги қарорларига асосан "Сувоқова" ИЧШК раҳбари З.Насуллаев, "Тошкентгазтаъминот" УКнинг Оҳангарон туман филиали раҳбари И.Эшбоевларга маъмурий жазо қўлланилди.

Бошқарма томонидан фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, аввало, қонунчилик нормаларини кенг тарғиб этиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тушунтиришлар амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳиятига доир марказий ҳамда маҳаллий ОАВларни жалб қилган ҳолда 80 дан ортиқ турли семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқарма томонидан "Инсон ҳуқуқлари-бола ҳуқуқларидан бошланади" сарлавҳали ўзбек ва рус тилларида 200 та буклет тайёрланиб, жойлардаги ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва мактаб ёшлари ўртасида ташкил этилган тадбирларда тарқатилди.

Бошқармада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга қаратилган қонунлар ижросини жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа органлар фаолиятида ўрганиб бориш амалиёти йўлга қўйилган. Бу ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чекловчи қонуний қарорлар қабул қилинишини олдини олиш билан бирга, фуқароларнинг давлат органларига ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга

чиқариш мақсадида қилаётган мурожаатларини қай даражада қонуний ҳал этилаётганлигини аниқлаш имконини бермоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида бошқарма томонидан ўтказилган 97 та текширув натижасида жами 5131 мингта турли қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ушбу ҳолатлар таҳлил этилганда фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишда 317 та, тадбиркорларни давлат рўйхатида олишда 93 та, банк соҳасида 1906 та, солиққа тортишга оид 373 та, лицензиялаш ва бошқа рухсатномалар беришда 178 та, рухсатсиз текшириш 46 та, ноқонуний жавобгарликка тортишда 24 та, судлар фаолиятига оид 73 та ва бошқа соҳаларда 2121 та қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилди. Қонунбузарлик содир этган айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари кўрилмоқда.

Адлия органлари ҳуқуқни қўллашда ягона давлат сиёсатини олиб бориш, қонун ижодкорлиги, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ҳам самарали фаолият юритмоқда. Адлия бошқармасига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жами 29 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим қилинган. Уларнинг аксарияти ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди, тегишли хулосалар берилди, регламент талабларига жавоб берадиган базий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари қайтарилди.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси қай даражада таъминланаётганлигини ўрганиш, ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш адлия бошқармаси ходимларининг асосий вазифаси бўлиб қолади.

**Салоҳиддин САТТАРОВ,**  
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

Миллий истиқлол бизга халқимизнинг қадимий ва маънавий бойлигини пухта, ҳар томонлама мукам- мал ўрганиш, миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизлари, унинг шаклланиш босқичи ва хусусиятлари, тарихий обида ва муқаддас қадимжоларимиз ҳақида кенг қамровли билимга эга бўлиш имконини берди.

# Боқий қадриятлар

Мустақиллик туфайли асл қадриятларимиз, урф-одатларимиз қайта тикланди, олтин меросимиз бўлган халқимизнинг бой маданий мероси — осори-атиқалар, зиёратгоҳ, муқаддас қадимжоларимизга бўлган эътибор янада кучайди. Кейинги йилларда маънавий олами- мизда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Дунёга машҳур алломаларимиз, авлиёлари- мизнинг шаъни, қадр-қиммати қайта тикланди. Уларнинг мўътабар зиёратгоҳлари обод этилди.

Маълумки, республика- мизнинг энг кенжа вилояти ҳисобланмиш Навоий вилоя- ти Буюк ипак йўлида, қадим Самарқанд ва Бухоронинг ўртасида жойлашган бўлиб, унинг тарихи ҳам шу мас- канлар ўтмиши билан ҳам- оҳангдир.

Вилоятда қадимий обидалар ва қадимжолар кўп. Шулардан бири Кармана туманидаги Ҳазора қишлоғи- даги Деггарон хонақосидир. Тарихий манбаларда ёзил- шича, бу обида XI асрда бунёд этилган. Обиданинг бунёд бўлиш тарихи ва бугунги ҳолати ҳақида бироз кейинроқ фикр билдирсак- да, куйи Зарафшон воҳаси тасаввуф маънавияти асос- чиси бўлган Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггаронийнинг бой маънавий мероси ҳақида тўхталсак.

Тасаввуф илми соҳиби, илмий башоратчи Мавлоно Ориф Деггароний тарихий манбалар ва ҳозирги давр тадқиқотларида таъкидлани- шича, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Ҳазора қишлоғида 1313 йилда таваллуд тогган. У киши туғилган даҳа қозонсоз- лар даҳаси бўлиб, "Даҳайи Деггарон" деб аталган. Кейинчалик эса бу нисбат Мавлоно Орифнинг муборак ва табаррук номларига қўшиб улуғланган. У жуда ёшлиги- данок зукко, зийрак, теран фикрловчи инсон бўлиб, касб-хунар ўрганишдан бир зум бўлсада чарчамаган. Зоҳирий билимлар эгаси ботиний илмга ҳам ташнали- ги боис ўз даврининг машҳур муриши Саййид Амир Кулолдан тарикат таълимини эгаллайди. Манбаларда таъкидланишича, муриши комил Саййид Амир Кулол- нинг бир юз ўн тўрт нафар шоғирди бўлиб, уларнинг энг етуқлари Мавлоно Ориф Деггароний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Шамсуддин Кулол, Мавлоно Жамолид- динлардир.

Тарих зарварақларидан бизга яхши маълумки, Мавлоно Ориф Деггароний ва Баҳоуддин Нақшбандий тарикати ботинан Аллоҳ, зоҳиран инсонлар билан биргаликда бўлиш таълими- тига асосланади. Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий устози бўлган Мавлоно Ориф нафақат пир ва дин пешвоси бўлган, балки руҳий мўъжи- залар, башоратлар кўрсата олиш қобилиятига ҳам эга бўлгани тарихий манбалар- дан яхши маълум.

Бизгача етиб келган маъ- лумотларда кўрсатилишича, Мавлоно ўз даврида Ҳазора, Тошрабат, Арабсарой, Дул- дул қишлоқларининг ҳокими сифатида ҳам халқнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилган. Унинг таби- лик қилгани, бева-бечора- ларга меҳр-шафқат кўрсат- ганлигини авлиё ҳақидаги илмий рисоалардан кўп ўқиганмиз.

Ўз илмий изланишларида буюк алломаларнинг ҳаёт йўли, улар қолдирган бой маданий, маънавий мерос-

нинг комил инсон тарбияси- даги ўрнига алоҳида аҳамият қаратаётган ёш адабиётшу- нос, Навоий Давлат педаго- гика институтининг ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси Ойбек Абдумўминов Мавлоно Ориф Деггароний ҳақида куйидагича фикр билдирди.

— Мавлоно Ориф Деггаро- ний ўзларининг қароматлари ва башоратлари билан жамиятда, одамлар жамоаси- да қулай ижтимоий муҳит яратган. Шундай йўл билан кишиларни худбинлик, ҳасад, гийбат, беодоблик каби иллатлардан холис қилиб, комилликка етаклаганлар. Унинг қолдирган бой маъна- вий мероси ниҳоятда чексиз ва аҳамиятлидир. Унинг таълимоти умри боқий бўлиб асрлар оша комил инсон тарбиясида ўз аҳамиятини ошириб бораверади. Фик- римни хулосалаб айтманки, тасаввуф таълимотининг икки улуг қамарбастаси — Мавло- но Ориф Деггароний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандлар Мовароуннахрнинг ўша таҳликали, қаттол замони учун ўта зарур бўлган шундай маънавий куйи яратдиларки, у ҳамон инсонлар қалбини ёруғлик ила нурафшон қилиб келмоқда.

Манбаларда келтирили- шича, Мавлоно Ориф Деггаронийнинг Абул Хайр Хожа исми ўгли бўлган. Худди шу шажаранинг сўнги вакилларида бўлган Тоҳир Хожа Кармана туманидаги Қосим Шайх Азизон қабри- стонига дафн этилганлиги илмий рисоаларда эъти- роф этилади.

Энди ул зоти шариф дафн этилган жой Деггарон хона- қоси ҳақида фикрлашсак. Кармана туманининг Ҳазора қишлоғида Мавлоно Ориф таваллуд тогган ҳудудда бунёд этилган масжид ҳақида турли маълумотлар ва қарашлар мавжуд. Рус археологи В.Шийкиннинг эътирофи эътишича, хонақо VIII-IX асрда қурилган бўлиб масжиднинг деворлари махсус тайёрланган пишиқ гийштдан кўтарилган. Адабиётшунос олим Натан Маллаевнинг илмий изла- нишлари шуни кўрсатадики, бу обида XI асрга мансуб бўлиб, қорахонийлар ва хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида қуриб битказилган.

Ташқи кўринишидан унча- лик маҳобатли бўлмаса-да, бироқ улғуворлиги билан киши диққатини ўзига тортув- чи бу ёдгорлик мажмуаси зардуштийлар даври меъ- морчилиги усулида қурилган бўлиб, деворлари паҳсадан, устунлари эса гийшдан ниҳоятда мустаҳкам тарзда барпо этилган. Тўрт деворли иморат устида тўққизта гўмбаз жойлашган бўлиб, қатор устунларга таянадиган тош ёйлар ичкари қисмини бирмунча кичик хоналарга ажратиб тургандек, гўё.

Масжиддан кейин бироз юрсангиз Мавлоно Ориф Деггаронийнинг қабрига ва чиллахонасига дуч келасиз. Собиқ совет тузуми даврида қаровсиз бир ҳолатга келган хонақо юртда қарор тогган миллий истиқлол боис кўркам ва муаззам бир гўшага айланди. Қайта таъмирланиб, атрофларига дарактлар, гуллар экилиб ободонлаштирилди. Энди- ликда бу мажмуага келган кишининг дили яйрайди, руҳан покланади, беихтиёр истиқлол эпкин эсаётган юртнинг бугунги кунига шукроналар айтади, эртаси- нинг порлоқлигига иймон келтиради.

Уралой ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

# МАЪНАВИЯТ



## Ёшлар саройи ишга тушди

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арафасида Навоий шаҳрида Ёшлар саройи фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда кенг жамоатчилик, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўғил-қизларимизни миллий истиқлол юзларига садоқат руҳида ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларни ўқиб-изланиши, ўз истеъдод ва маҳоратини рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Ёшларимиз илм-фан, спорт, санъат, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда эри- шайётган улкан ютуқ ва марралар ана шу юксак эътибор самарасидир.



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

### ● МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

#### “Нафосат бўстони маним”

Наманган вилоят маданият саройида “Нафосат бўстони маним” аънавий республика кўрик фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди.

Номоддий-маданий меросимиз дурдоналарини асраш ва улардан самарали фойдаланиш, ёшларни миллий санъатимизга бўлган меҳрини янада орттириш мақсадида ўтказилган мазкур фестивалда вилоятнинг иккитдорли ёшлари, эстрада хонадалари, хайкалтарош, ҳунарманд ва мусаввирлари иштирок этди. Фолиблар фестивалнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Мухтасархон КАРИМОВА

#### Хайрия тадбири

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги “Бахт Диёр” ресторанида “Меҳр-муруват — инсон зийнати” шиори остида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Халқаро ноғиронлар кунига бағишланган тадбир давомида туманининг 17-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг таэквондо спорт тури бўйича қилган кўргазмали чиқишлари, туман маданият уйи қошидаги “Карвон” халқ кўғирчоқ театри ижросидаги миллий ракс томошаси, ёш ва истеъдодли хонандаларнинг ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлари меҳр-муруватга муҳтож инсонларни янада руҳлантириб, барчага аъло кайфият бағишлади.

Баҳодир ХАЙТМАТОВ

### ● ИБРАТ

Ўзбек халқининг миллий урф-одатлари — маънавия- тимизнинг асосидир. Истиқлол туфайли ўзбек халқи давлатимизнинг буюк келажиги, миллий қадриятлари- мизнинг равиқига йўлида дадил қадам ташламоқда. Бу борада, айниқса, эртанги кун эгалари бўлмиш ёш авлод таълим-тарбияси давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида эътироф этилмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, юксак маънавиятли комил инсонни тарбиялаш бизнинг бурчимиздир. Умуминсоний қадриятлар саналмиш маънавий-маърифий бой фазилатларимизни ёш авлод онгига синг- дириш, ажодларимизнинг аънава ва тажрибаларини ўрганиш ва ҳаётга тат- биқ этиш долзарб масаладир.

Халқимиз тарихан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос дорилфунун ярат- ган. Ўзбек маданияти, шарқона мил- лий тарбия назарияси ва амалиёти мазмунли бориб етган тарихий ил- диллар орқали озиқланади. Унинг тар- бия гоялари ўтган ҳар бир тарихий давр ва босқичлар давомида ижтимо- ий-сиёсий жараёнлар моҳиятини ўзида мужассамлаштирган ҳолда то- мир отган.

Халқдонийшмандликнинг бунодир соҳаси жамиятнинг барча бўғинлари — халқ оғзаки ижоди, халқ аънавий педагогикаси, кадршунослиги, удум- шунослиги ва маросимшунослигининг етакчи йўналишларини қамраб ол- гани билан характерланади. У халқи- мизнинг асрлар давомида тўлланган бой тажрибаларини, ижтимоий-сиё-

### ● ИБРАТ

## Фарзанд тарбиясида

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

сий, фалсафий, маърифий-эстетик, маънавий ҳамда жисмоний етуқлик борасидаги қарашлари, тажриба-ху- лосаларини лўнда, аммо бағоят те- ран тарзда ифодалади.

Халқимизнинг педагогик қараш- лари узок асрлар давомида шакл- ланган бўлиб, улар бизга алоҳида қўлланма-дастур, дарсликлар шак- лида етиб келмай, балки халқ оғзаки ижодида кирувчи турли жанрларда- ги асарлар, элшунослик, кадршу- нослик, удумшуносликлар замири- да сакланиб қолган.

Халқ аънавий педагогикасининг характерли жиҳати шундаки, халқ тар- бияда кеча, бугун ва эртани ўйлаб иш тутайди, яъни тарбияни ўтмишни унут- маслик, бугуннинг қадрига етиш, кел- жакка умид асосида олиб боради. Халқ аънавий педагогикаси ҳаёт, табиат, жамиятдаги ҳар бир воқеа- ҳодиса, кўриниш каби нарсалардан таълим-тарбия мақсадида мукамал фойдаланади. Халқнинг бундай қарашлари замирида борлиқдаги тўрт унсурни авайлаш, яъни экологик, эс- тетик тарбияни кузатиш мумкин.

Халқ бисотидаги энг яхши, табар- рук сўзлар — дуо ва олқишлар ҳам тарбияга қаратилган. Халқ аънавий педагогикасида яхши сўз, дуо-олқ- ишнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳами- яти, инсон маънавий устуворлиги, ий- мон-этиқод бутунлиги, яъни ёшлар- нинг ҳар томонлама мукамал камол- лоти борасида тутган ўрни ва ролига

алоҳида аҳамият берилади. Халқ аънавий педагогикаси жа- моа ижодкорлигининг таркибий қисми сифатида кишиларнинг маънавий бирлашуви тимсоли, туб манфаатла- ри, орзу-армонлари умумийлигини ифодаловчи тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

Тарихий зарурат туфайли диннинг пайдо бўлиши билан у тарғиб этган ахлоқий-маънавий қонун-қоидалар аста-секин кишиларнинг ҳаётига, тур- муш тарзи, онги, дунёқарashi, жамия- тдаги муносабатлар ва бошқа қир- раларга чуқур таъсир кўрсатиб, жа- мият маданий ҳаётининг таркибий қисмига айланди.

Бугунги ўтиш даврида таълим-тар- бия жараёнини тубдан ислоҳ қилиш, умуминсоний ва миллий-маънавий қадриятларнинг устуворлигига эри- шиш — ёшларнинг маънавий мадания- тини шакллантиришнинг муҳим оми- лидир. Зеро, маънавий камол топган инсонларгина баркамол жамият қуришлари мумкин. Мустақил Ўзбе- кистон келажакнинг пойдевори бўлмиш ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, маънавий камол топтириш, улар қалбида ажодлари- миздан мерос бўлиб қолган миллий- маънавий қадриятларга нисбатан ҳур- мат ва фахр туйғусини шакллантириш бизнинг олий мақсадимиздир.

Босит УМАРҲУЖАЕВ, Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиати

## НАВБАҲОР ТУМАНИ ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ПУДРАТ ТАЪМИРЛАШ ФЙДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамюртларимизни, фидокорона меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни мамлакатимиз

# Конституцияси кўни

билан муборакбод этади.

Сизларга тинчлик, узок умр, сизат-саломатлик тилайди!

### БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!



# Инсонпарварлик сари бирдамлик

*Маълумки, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари асосан инсонпарварлик фаолиятини амалга ошириб келади. Унинг асосий мақсади инсонлар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, инсон шахсияти, унинг қадр-қимматини таъминлашга қаратилган. Ушбу ҳаракат дунё мамлакатларидаги 190 га яқин Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларини бирлаштирган.*

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти 1925 йилда ташкил топган. 1992 йил май ойида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ўзининг XVII курултойида мустақил юртининг мустақил миллий жамияти мақомини олди. 1995 йили эса 175 та мамлакатнинг Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой миллий жамиятларини бирлаштирувчи Халқаро Федерациянинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларида жамиятнинг 200 га яқин ташкилоти фаолият юритмоқда. Жамиятнинг «Меҳр-шафқат» хизмати орқали ёлғиз қариялар, ногиронлар, қаровга муҳтож кексалар, кўп болали оилаларга мунтазам равишда моддий, тиббий, ижтимоий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. — Яқинда «Меҳр-шафқат» хизмати

тасарруфига янги олинган қариялар диспансер кўригидан ўтказилди, - дейди жамиятнинг Мирзо Улуғбек туман ташкилоти раҳбари Анора Иргашева. — Қариялар уйига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун низомда кўрсатилганидек ҳафтасига 2 мартаба бориб хабар олиб тураемиз. Ташкилотнинг ёш аъзолари уларни парвариш қилишга ёрдамлашиш баробарида ҳамширалар тозалик кунлари ва шанбаликларда кўмаклашиб туришади.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами муносабати билан эса тасарруфимиздаги ногиронлар, тумандаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари ажратилди. Умуман жорий йилда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда қатор тadbирлар, давра суҳбатларини ўтказдик. Жумладан, яқинда «Инсонпарварлик сари бирдамлик» шиори остида маънавий-маърифий тadbир бўлиб ўтди. Унда юрти-

миздаги қатор ташкилотлар, тиббиёт бирлашмалари, олий ўқув юрти ўқитувчилари ҳамда болалар ансамбллари иштирок этишди. Қолаверса, «Саломатликнинг ёш дўстлари», «Ҳаётни совға қил» каби семинар-тренингларимизда тумандаги барча мактаб ўқитувчилари ҳамда ҳамширалар иштирок этишди. Тумандаги корхона ва ташкилотлардаги санитарларни тез тиббий ёрдам келгунига қадар биринчи ёрдам кўрсатишга ўқитилиб, уларга махсус сертификатлар топширилди.

Шунингдек, мазкур ташкилот Тиббий бирлашма ходимлари ҳамкорлигида «Олтин Тера-10» маҳалласида маҳалла фаоллари ва хотин-қизлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида ўқув-семинар ўтказди. Унда оиладаги тиббий маданиятни ривожлантириш масалалари кўтарилиб, маҳалла аёллари ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишди. Tadbir сўнггида иштирокчиларга биринчи ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш бўйича методик ҳамда услубий қўлланмалар тарқатилди.

**Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,**  
«Milliy tiklanish» муҳбири

# ЖАРАЁН

## УРГАНЧ ШАҲАР «РОХИМА-ШАХПОХОН» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

*Жонажон мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча ватандошларимизни КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 19 ЙИЛЛИК шодиёнаси билан табриклайди.*



**Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга қут-барақа, юртимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.**

## АНГРЕН ШАҲРИДАГИ «НУРАЗИЗНОП» ХУСУСИЙ КИЧИК КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Юртдошларимизни 8 декабрь - Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллиги билан қутлайди.*




**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КЎПРИК ХЎЖАЛИГИНИ САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪМИРЛАШ ФОЙДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Бунёдкор халқимизни умумхалқ байрами*

**КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ билан муборакбод этади.**




**Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги абадий бўлсин!**

# ТАБРИК

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ "ПАХТАСАНОАТ" ХЛОБ ЖАМОАСИ

Хурматли юрtdошлар!  
 Мамлакатимизда  
 ҳуқуқий демократик  
 давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо  
 этишнинг бош мезони Конституциямизнинг  
 19 йиллик байрами барчамизга  
 муборак бўлсин.



## "AL-AD TRADING"

ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Бунёдкор халқимизни умумхалқ байрами

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ

# 19

ЙИЛЛИГИ

билан  
табриклайди.



**Осмонимиз мусаффо,  
юртимиз ҳаминша тинч бўлсин!**




## "УРГАНЧ ЎТ ЎРИШ МАШИНАЛАРИ" ОАЖ ЖАМОАСИ

Ҳуқуқий демократик давлат  
 қуришдек шарафли йўлда бизга  
 бош мезон бўлаётган -

# КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ

# 19 ЙИЛЛИК

байрами барчамизга  
 муборак бўлсин!



# КЎЗГҮ



## “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



*Халқимиз хоҳиш-иродасининг олий ифодаси,  
мамлакатимизнинг Асосий қонуни -*

### Конституциямиз қабул қилинганига 19 йил

*тўлиши муносабати билан барча юрtdошларимизни самимий табриклайди.*

*Юртимиз тинчлиги, осойишталигига, осмонимиз мусаффолигига кўз тегмасин!*

## АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ “АНДИЖОН САНОАТ РИВОЖ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

*барча ҳамюртларимизни*

### КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ

*билан муборакбод этади.*

*Бахтимиз Қомуси юртимизга бахш этган тинчлик ва фаровонлик, дастурхонларимиздаги тўкин-сочинлик ҳамиша барқарор бўлсин.*



## БАРЧАГА БАЙРАМ МУБОРАК!

### ЎГИТ

Мевали шох эгилади, мевасиз дарахт эса гўддайиб туради.

Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрлидир.

Эҳтиёжи бўлмаган кишига берилган ҳар қандай нарса ортиқча юқдир.

Жалолиддин РҲИМӢ

### БИЛАСИЗМИ?

Windows'95 компьютер дастурини юклаш чоғида янграйдиган мусиқа бастакор Брайан Инога тегишли.

Африка қитъасида мингга яқин тиллар мавжуд. Шимолий Африка берберларининг тили эса фақат оғзаки кўринишга эга.

### ТУРФА ОЛАМ

### Ихчам авто

**KOWA TMSUK (ЯПОНИЯ) КОМПАНИЯСИ ТОКИО АВТОШОУСИ ЧОҒИДА КОВАТ НОМЛИ ЯНГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТДИ.**

Кўрғазмага кўйилган уч хил моделдаги электрокарлар ихчам кўринишга эга. Масалан, тўрт гилдиракли Kobot II автомашинаси икки кишилик, қолган уч гилдиракли машиналар эса бир киши сиғадиган скутернинг ўзгинаси. Энг қизиғи, япон скутерлари унчалик кўп жойни эгалламайди. Унинг ўриндиғи олд корпусига тортилиши боис, машина 1 квадрат метрга етар-етмас жойни банд қилармиш. Ишлаб чиқарувчиларнинг айтишича, асосан катта шаҳар кўчаларида ҳаракатланиш учун мўлжалланган “Kobot”лар келаси йилнинг кузида бозор юзини кўради.



### Қадимги ошхона

**САЙЁРАМИЗДАГИ ЭНГ ҚАДИМГИ ОШХОНА ЮТАКАН ЯРИМ ОРОЛИ (МЕКСИКА)ДАГИ ХАРОБАЛАР ОРАСИДАН ТОПИЛДИ.**

Олимларнинг фикрича, қадимги майя ҳиндуларига тегишли ошхона бундан 1200 йил аввал қурилган. Ошхона дейишимизга сабаб, бу ердан кўплаб ошхона буюмлари: ўчоқ, тошдан ясалган асбоблар, идиш-товуқлар топилган. Шунингдек, археологлар майя ҳиндулари айнан шу ошхонада гўшт ва жўхоридан таом тайёрлашганини аниқлашган. Топилган ошхона буюмларининг кўпчилиги боис, олимлар бу ерда қабила киборлари учун тансиқ таомлар тайёрланган бўлиши мумкин, деган тахминни илгари суришмоқда.



### Сенсор экран

**ЗАМОНАВИЙ СМАРТФОНЛАР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ТАШХИС ҚЎЯ ОЛАДИ.**

Бунинг учун олимлар қон, пeshоб ва сўлак намуналари жойланган махсус чипни электрон мослама экранига ёпиштириб кўйишнинг ўзи кифоя, дейишмоқда. Мазкур технология сенсор экранларда тўплашиб қолган электрон зарядларни қабул қилиш асосига қурилган. Шунга кўра, экран ёрдамида кўзга кўринмас инфекцияларни ҳам аниқласа бўлади. Албатта, ушбу чип экран орқали таҳлил жавобини кўрсатиб бермайди. Чипдаги маълумотларни лаборатория шароитидагина олиш мумкин. Ҳозирда ана шундай экранлар орқали энг хавфли бактерияларга ташхис қўйиш борасидаги тажриба ишлари олиб борилмоқда.



### Энг узун торт

**ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН БАЙРАМ ТОРТИ ХИТОЙЛИК ҚАНДОЛАТЧИЛАР ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНДИ.**

Узунлиги 1068 метр, оғирлиги 1,5 тонна келадиган торти пишириш учун 80 нафар шанхайлик ошпазлар бир ҳафта давомида тер тўкишди. Бундай улкан ширинликни тайёрлаш учун эса 904 дона тухум, 1045 килограмм ун, 209 кг. шаккар, 401 кг. аччиқ шоколад ва 34 кг. ванилин ва ошпазлар сир тутган масаллиқлар сарфланган. Манбада келтирилишича, торт Шанхайдаги “Pudong Shangri-la Hote” меҳмонхонасида бўлақларга бўлиниб, сотилди. Сотувдан тушган пуллар эса хайрия сифатида химиотерапияга муҳтож ёш болалар учун берилди. Эслатиб ўтамиз, энг узун торт тайёрлаш бўйича аввалги рекорд (207 метр) француз ошпазларига тегишли эди.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

**3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони компьютер жамланмаларини сотиб олиш учун тендер эълон қилади.

**Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй  
тел: (8-371) 239-45-77, факс: (8-371) 239-45-53**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Акрам Жумаевга онаси

**МУНАВВАР аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

VATAN TUVU USI HAR NARSADAN USTUN



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаи ХУДОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САҲОЕВ  
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47  
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2  
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кuni чиқади.  
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г 1219, Адади — 3727  
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда  
**Навбатчи муҳаррир:** Исмаи ХУДОЕВ  
**Навбатчи:** Зафар МУҲАММАД  
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ  
**Электрон почта:** e-mail: milliy@satarkor.uz  
Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди — 22.50.